Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 48 (4743).
27 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРОГРЕССИВ МЕТОД ЯНАДА РИВОЖЛАНСИН

Ҳамза район партия комитетида район саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва ташкилотлари бригадирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари ишчилар меҳнатини ташкил этиш ва иш ҳақи тўлашнинг бригада формасини янада кенг ёйиш вазифаларини муҳокама қилдилар. Район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов доклад қилди.

1-уйсозлик комбинати бетончиларининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Орипов, 2-автобус парки ҳайдовчиларининг бригадири И. Азаматов, «Ташсельмаш» заводининг бош инженери В. Макашов, 2-уйсозлик комбинати 2-пардозлаш бошқармаси бўёқчиларининг бригадири Ш. Шаҳобитдинов ва бошқалар ўз коллективларининг тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари барча бригадирларга, ишчиларга, район корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Унда меҳнатни бригада усулида ташкил этишни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов иштирок этди.

* * *

Собир Раҳимов районида бўлиб ўтган район саноат, қурилиш, транспорт корхона ва ташкилотлари бригадирларининг слёти қатнашчилари меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи тўлашнинг прогрессив методига доир иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, уни янада кенг ёйиш тадбирларини белгиладилар.

Йиғилганлар олдида район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов сўзга чиқди.

Слёт ишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов иштирок этди.

Тонгги газеталарда

✦ 26 февраль куни Тошкентда мелираторларнинг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда қатнашиш учун ишлаб чиқариш илғорлари, сув хўжалиги қурилиши, ерларга сув чиқариш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш бирлашмалари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, республика партия, совет жамоат ташкилотлари, илмий муассасаларининг вакиллари келдилар. Улар КПСС XXVI съезди қарорлари асосида суғориладиган ерлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда ирригация-мелиорация тадбирларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. Йиғилиш аҳли уни самимий кутиб олди.

✦ Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1982 йил январь — февраль ойлари планини 26 февралда бажардилар.

МЕҲНАТДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Тошкент областига ва Тошкент шаҳрига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилди

Тошкентликлар ўн биринчи беш йилликни самарали ишлар билан нишонламоқдалар. Партия XXVI съезди ва Иттифоқни ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқи уларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада оширмоқда. Пойтахт области ҳамда Тошкент шаҳри Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари, 1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланганликлари буининг ёрқин далилидир. Тошкент шаҳри ва область меҳнаткашлари вакилларининг 26 февраль куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу фахрли мукофотларни топширишга бағишланди.

ТОШКЕНТ. 26 февраль. Тошкент шаҳрига, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топшириш пайти. А. Абалян фотоси.

Йиғилиш қатнашчилари орасида ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка ва маҳсулот сифатини оширишга эришиш учун барча резервлар ва имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш намуналарини кўрсатаётган илғор ишчилар ва-қурувчилар, ҳар қандай об ҳаво шароитларида мўл ҳосил олиш ва йиғим-теримни барвақт тугаллаш имконини берувчи машҳур Тошкент технологиясининг ижодкорлари бўлган донгдор пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, сабзавоткорларнинг мусобақасида пешқадамлик қилаётган илғорлар бор эди. Йиғилишга фан ва маданият арбоблари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик активлари келишди.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиблари бўлганлиги ҳаммамизни астойдил қувонтирмоқда, деди у, бугун уларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилмоқда. Бу юксак мукофотлар ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг, шонли меҳнат зафарларини муносиб равишда якунлайди, пойтахт области ҳамда Тошкент шаҳрининг партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари олиб бораётган ғоят самарали ва собитқадам ишлари муносиб рағбатини ҳушнуд этмоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида область ва республика пойтахтининг экономикаси юксак суръатлар билан жўшқин ривожланиб борди. 107 миллион сўмлик қўшимча саноат маҳсулоти реализация қилинди, ишлаб чиқариш ҳажми 5,3 процент ошди. Ҳозир маҳсулотнинг бир мингдан кўпроқ тури фахрли беш бурчак қўйиб чиқарилмоқда, ишлаб чиқариш умумий ҳажмида бу маҳсулотнинг салмоғи 14 процентга етди.

Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 6 процент кўпайди, шу ўсишнинг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Саноат ва қурилишда уч мингдан кўпроқ киши 1981 йилда икки йиллик топшириқни бажарди, 129 минг ишчи, 55 корхона коллективи, 1800 дан кўпроқ цех, участка, бригада ва сменалар йиллик топшириқни Улуғ Октябрининг 64 йиллигигача адо этдилар.

Ўтган йили кўпгина муҳим ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар, мактабгача болалар муассасалари, социал-маданий ва маиший объектлар ишга туширилди. Моддий ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва яхшироқ фойдаланилди.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари энг юксак мақтовга сазовордирлар. Областнинг бутун тарихида энг мўл «оқ олтин» ҳосили олган пахтакорлар, айниқса ўрнак кўрсатдилар. Давлатга 489 минг тонна Тошкент пахтаси сотилди. Ҳосилнинг 86 проценти машиналарда терib олинди. Бўка, Чиноз, Пискент, Коммунистик, Оққўрғон, Ғалаба районлари ва бошқа районлар пахта етиштириш ва йиғиб-териб олиш Тошкент технологиясининг афзалликларини амалда исботладилар.

Ғаллакорлар, чорвадорлар, богбонлар, сабзавоткорлар, лубкорлар, пиллачилар, область дала ва фермаларининг барча меҳнаткашлари аъло натижалари билан Ватанимизда бўлган нисбатан кўпроқ даврни ташкил этади.

Транспорт, алоқа, илм-фан ва маданият, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо хизмати янада ривожлантирилди. Халқ фаровонлиги ошди.

Мусобақа якунларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, 1982 йилги план ҳамда социалистик мажбуриятларни ҳар бир ходим, ҳар бир меҳнат коллективи миқёсида муваффақиятли бажаришини конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш керак. Қўшимча резервларни ҳисобга олиб, ишга тушириш, ички ресурсларни сафарбар этиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга эришиш муҳимдир. Янада яхшироқ, янада самаралироқ ишлаш — шаҳар ва қишлоқдаги ҳар бир коллективнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг қонунидир. Ҳар бир иш жойида меҳнатни ташкил этишни, тартиб ва интизомни юксак даражада сақлаб туриш, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муттасил эриша бориш зарур.

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган кондалар ва хулосаларга амал қилиб, СССР ташкил этганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, коммунистик қурилишда янги ғалабаларга эришиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юбориш керак.

Партия ташкилотлари тўпланган тажрибадан тўлиқроқ фойдаланишлари, 1982 йилги вазифаларни ҳал этиш учун жанговарлик билан киришишлари, хўжалик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни кенг кўламдаги ташкилотчилик, сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишлар билан пухта мустаҳкамлашлари лозим.

Бу мажбуриятлар эса мураккаб, тиғиз мажбуриятлардир. Тошкент области ва шаҳрининг саноат ходимлари ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик планни муддатидан илгари 24 декабрда бажаришга; пландан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга; 1981 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришни беш процент ўсишини таъминлашга: яна 400 та буюмни давлат Сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтказиб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида шундай буюмларни 26 процентга қадар етказишга азму-қарор бердилар. Бинокорлар олдида ҳам кўпгина вазифалар турибди.

Юбилей йилида область пахтакорлари камида 440 минг тонна «оқ олтин» олиш ниятидадирлар. Ялпи дон ҳосили ва уни давлатга сотиш плани ошириб бажарилишини таъминлаш, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева, узум, канop, пилла етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш лозим.

Тошкент чорвадорлари олдида янги, масъулиятли вазифалар турибди. Чорва туёғи ва паррандалар тобора кўпайишини таъминлаш, Ватанга фермалар ва комплекслариннг юқори сифатли маҳсулотини кўпроқ етказиб бериш керак. 1982 йилда умуман, областда ўтган йилга нисбатан гўшт етиштиришни 20 процент, сут ва тухум етиштиришни 15 процент оширишни таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Келгуси йили Тошкент ўзининг 2000 йиллигини нишонлайди. Тошкент революцион ва меҳнат анъаналари билан республиканинг ҳар бир аҳолисига азиздир. Юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида конкрет тадбирларни амалга ошириш шаҳарнинг ҳар бир аҳолиси ғоят актив иштирок этиши керак. Бизнинг бурчимиз Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга, қулай ва кўркам архитектураси, ажойиб турар-жой кварталлари, хиёбонлари бўлган, ободончилиги ва меҳнаткашлар турмушининг санитария-гигиена шароитлари юқори даражага кўтарилган шаҳарга айлантиришдан иборатдир.

Аҳолига савдо, маиший, коммунал ва транспорт хизматини яхшилаш ва такомиллаштириш учун тобора кўп куч-ғайрат сарфлашимиз, унга кўпроқ эътибор беришимиз, меҳнаткашларнинг ишлаш, турмуш ва дам олиш шароитини бутун чоралар билан яхшилашимиз керак.

Ш. Р. Рашидов Тошкент области ва Тошкент шаҳрига гулдурос, давомли қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини топширди.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди, деди сўнгра Ш. Р. Рашидов. Ана шу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатда ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи ягона кўп миллатли иттифоқ давлати — СССР ташкил этилганлигининг тарихий аҳамияти чуқур ва атрофлича кўрсатиб берилган. Қарорда Коммунистик партия ва совет халқи янги жамият қурилишида эришган зафарлар, социализмнинг улуғ ғалабалари ёрқин кўрсатилган, шонли санага тайёргарлик билан боғлиқ конкрет программа белгиланган.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари ўз фаолиятини меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада кучайтиришга, партия XXVI съезди қарорларини муваффақиятли суратда амалга оширишга қаратишлари керак. Экономиканы интенсивлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, энг кам харажат қилиб юксак широрат натижаларга эришиш масалаларига асосий эътибор жалб қилиниши лозим. КПСС XXVI съездининг «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун, деган ўзгармас программ талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашишнинг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» деган кўрсатмасини ҳамиша ёдда тутиш зарур.

Тошкент области ва Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари юксак мукофотга жавобан 1982 йилги планлар ҳамда мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун, СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат берғайсизлар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Р. Ҳамбаров, Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести парткомининг секретари Н. И. Тойкин, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг раиси А. Қодиров, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сут согувчиси Ж. Асҳўжаева, «Микрод» заводининг директори Х. Н. Тожиев, Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг тикувчи-моторчиси А. М. Просина сўзга чиқдилар. Улар бажарилган ишга берилган юксак баҳо учун, меҳнат аҳли тўғрисида, ҳар бир иттифоқдош республиканинг ва умуман, бутун мамлакатнинг экономикаси ҳамда маданиятини равнақ топтириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун, Ер юзида тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги баҳодирона куч-ғайратлари учун КПСС Марказий Комитетига, Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросига барча меҳнаткашлар номидан қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Нотиқлар жонажон партия теварагига маҳкам жипслашган Тошкент ва пойтахт областининг меҳнаткашлари эришаётган ютуқларни кўпайтирадилар, бунёдкорлик ишларининг партия XXVI съезди белгилаган улуғвор программасини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа байроғини яна ҳам баланд кўтарадилар, СССР ташкил этганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни шараф билан уддалайдилар, деб ваъда бердилар. Сўзга чиққан кишилар қайд этиб ўтишганидек, яхши анъанага кўра, тошкентликлар ленинча коммунистик шанбаликда актив иштирок этадилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга зўр якдиллик билан табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари М. В. Грамов, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг сектор мудири Б. М. Истомин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАҲРАМОНОНА ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

КЕЧА ТОШКЕНТДА ЮЛИУС ФУЧИК МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

26 февраль куни Тошкентда очилган музей экспонатлари Юлиус Фучикнинг ҳаёти ва курашини, унинг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашувларини тасвирлайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов музей экспозицияси билан танишди. У фахрли меҳмонлар китобига ўз таассуротларини ёзиб қолдирди.

Музей очилишига бағишланган митингда Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров нутқ сўзладилар.

— Тошкентда музейнинг ташкил этилиши совет халқининг Фучикка бўлган ғоят зўр меҳр-муҳаббатининг, совет кишилари интернационал дўстлигининг яққол далилидир, — деди митингда сўзга чиққан Чехословакия хотин-қизлар иттифоқининг фахрий раиси, курашчи-ёзувчининг содиқ дўсти, сафдоши ва рафиқаси Густа Фучикова. У бугунги кунда Фучикнинг китоблари порлоқ келажак учун яшаш ва курашда халқларга қандай ёрдам бераётганлиги тўғрисида гапирди. Чехословакиянинг миллий қаҳрамони эндиликда ҳар бир мамлакатнинг миллий қаҳрамони. Ер юзида тинчликни қадрлаётган ҳар бир халқнинг фарзанди бўлиб қолмоқда.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Е. А. Айтмуратов, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари М. В. Грамов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Чехословакия Журналистлар союзи раисининг ўринбосари, «Живот страни» журналининг бош редактори Йозеф Валента бошчилигидаги қардош мамлакат делегацияси иштирок этдилар.

Бочкарёв бунинг учун кўп меҳнат сарф қилди. У Юлиус Фучикни шахсан билар, саёҳатларда бир неча бор бирга бўлган эди. Унинг музей экспозицияларини тайёрлаш бўйича илтимосига фақатгина республикамизда эмас, ҳатто мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги корхона ва ташкилотлар, муассасалар, коллективлари айрим граждандар ҳайрихоҳлик билдиришди. Музейнинг яратилишида Чехословакия Социалистик Республикаси Журналистлар союзининг правление раиси З. Горжени бошчилигидаги коллективи катта ҳисса қўшди. Чехословакия халқ рассоми Я. Ган томонидан ишланган Юлиус Фучик бюсти совға сифатида юборилди. Юлиус Фучикнинг беваси Густа Фучикова ҳам бу ишда катта ёрдам кўрсатди.

Музей экспозициялари бир неча бўлимдан иборат. Унинг дастлабкиси Юлиус Фучикнинг ёшлик ва ўсмирлик йилларига, 1921 йили Чехословакия Коммунистик партиясига аъзо бўлиб кирган, журналистик фаолиятини бошлаган ва 1930 йили СССР га қилган дастлабки сафарига бағишланган.

Иккинчи бўлими Юлиус Фучикнинг ўз сўзлари билан «Бизнинг социалистик юрак мамлакатида» деб аталиши мумкин. У Москвани инсоният келгуси тарихининг дастлабки саҳифалари ёзилаётган жаҳон марказий деб айтган эди. Юлиус Фучик советлар мамлакатини индустриаллаштиришнинг дастлабки беш йилликлари, Москва метрополитени, Москва—Волга канали, Сталинград трактор заводи қурилишларининг, шунингдек яна кўплаб улуғ бунёдкорлик ишларининг бевосита гувоҳи бўлган эди. Ўша йилларда у Тошкентда бўлиб, Бутуниттифоқ пахтачилик комитетининг бош механика устахонасига ташриф буюради. Бу устахона кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи ташкил этилиши учун асос бўлган эди. Экспозиция Юлиус Фучикнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот беради.

Навбатдаги бўлим Юлиус Фучик ҳаётининг сўнгги йилларини, фашист турмаларидаги яширин фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда «Дор остидан репортаж» ўлмас асарига СССР халқ рассоми Н. Н. Жуков ишлаган иллюстрация суратлар қўйилган. Тенгсиз матонат, қаҳрамонлик кўрсатиб яширин ишга олиб борган Юлиус Фучикнинг оғир дамларидаги фаолияти катта маҳорат билан тасвирланган. Унинг ёнида эса Юлиус Фучикни 14 ой қийнаган гестапочи фашист газандалари қиёфаси, Фучикнинг дўстлари акс этган. Бу стендларга Юлиус Фучикнинг қатл этилиши айбдорларининг Берлиндаги суди ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар ҳам қўйилган. Бу суратларнинг ҳаммасига «Дор остидан репортаж» деб имзо қўйилган.

Сўнгги экспозиция Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда қаҳрамон антифашист, коммунист Юлиус Фучикнинг хотираси нечоқлик ҳурмат-эҳтиром билан шарафланаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

И. АЛИМОВ.

* * *

СУРАТДА: музейнинг ташқи кўриниши.

Музей Юлиус Фучик 1934 ва 1935 йилларда Тошкентга келган пайтда яшаган уйда очилди. Кейинги маротаба у бизнинг шаҳримизга 1935 йилнинг август ойи охирида, Коминтернинг VII конгресси ишидан сўнг келиб, январь ойига қадар яшаган эди. Бу унинг шаҳримизга учинчи бор келиши бўлиб, Юлиус Фучик ўлкамизда бўлган нисбатан кўпроқ даврни ташкил этади.

У Чехословакиянинг «Руде право» газетаси Москвадаги мухбири сифатида ишлаган икки йил мобайнида унинг олти ойга яқин вақтини Ўрта Осиё республикалари — Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистонда ўтказди. Шу даврда у СССР ҳақида 150 дан ортиқ корреспонденция ва репортажлар ёзган бўлса, унинг деярли ярми Ўрта Осиё республикалари ҳақида эди.

Маълумки, 1943 йилнинг 8 сентябрида Юлиус Фучик қатл этилади. Халқаро Журналистлар ташкилоти конгрессининг қарорига мувофиқ бу кун Журналистларнинг халқаро ҳамкорлик куни, деб эълон қилинган ва у 1958 йилдан бери нишонланади.

Тошкентда Юлиус Фучик музейини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан унинг республикамиз ҳаёти билан боғлиқ адабий ва журналистик фаолиятига алоҳида аҳамият берилди. Музейнинг очилиши Чехословакия миллий қаҳрамони ҳаётини абадийлаштириш, қардош социалистик мамлакат билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Музей экспозициялари учун материал йиғиш осон бўлмади. Музей директори, СССР Журналистлар союзи аъзоси А. Н. Бочкарёв бунинг учун кўп меҳнат сарф қилди. У Юлиус Фучикни шахсан билар, саёҳатларда бир неча бор бирга бўлган эди. Унинг музей экспозицияларини тайёрлаш бўйича илтимосига фақатгина республикамизда эмас, ҳатто мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги корхона ва ташкилотлар, муассасалар, коллективлари айрим граждандар ҳайрихоҳлик билдиришди. Музейнинг яратилишида Чехословакия Социалистик Республикаси Журналистлар союзининг правление раиси З. Горжени бошчилигидаги коллективи катта ҳисса қўшди. Чехословакия халқ рассоми Я. Ган томонидан ишланган Юлиус Фучик бюсти совға сифатида юборилди. Юлиус Фучикнинг беваси Густа Фучикова ҳам бу ишда катта ёрдам кўрсатди.

Музей экспозициялари бир неча бўлимдан иборат. Унинг дастлабкиси Юлиус Фучикнинг ёшлик ва ўсмирлик йилларига, 1921 йили Чехословакия Коммунистик партиясига аъзо бўлиб кирган, журналистик фаолиятини бошлаган ва 1930 йили СССР га қилган дастлабки сафарига бағишланган.

Иккинчи бўлими Юлиус Фучикнинг ўз сўзлари билан «Бизнинг социалистик юрак мамлакатида» деб аталиши мумкин. У Москвани инсоният келгуси тарихининг дастлабки саҳифалари ёзилаётган жаҳон марказий деб айтган эди. Юлиус Фучик советлар мамлакатини индустриаллаштиришнинг дастлабки беш йилликлари, Москва метрополитени, Москва—Волга канали, Сталинград трактор заводи қурилишларининг, шунингдек яна кўплаб улуғ бунёдкорлик ишларининг бевосита гувоҳи бўлган эди. Ўша йилларда у Тошкентда бўлиб, Бутуниттифоқ пахтачилик комитетининг бош механика устахонасига ташриф буюради. Бу устахона кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи ташкил этилиши учун асос бўлган эди. Экспозиция Юлиус Фучикнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот беради.

Навбатдаги бўлим Юлиус Фучик ҳаётининг сўнгги йилларини, фашист турмаларидаги яширин фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда «Дор остидан репортаж» ўлмас асарига СССР халқ рассоми Н. Н. Жуков ишлаган иллюстрация суратлар қўйилган. Тенгсиз матонат, қаҳрамонлик кўрсатиб яширин ишга олиб борган Юлиус Фучикнинг оғир дамларидаги фаолияти катта маҳорат билан тасвирланган. Унинг ёнида эса Юлиус Фучикни 14 ой қийнаган гестапочи фашист газандалари қиёфаси, Фучикнинг дўстлари акс этган. Бу стендларга Юлиус Фучикнинг қатл этилиши айбдорларининг Берлиндаги суди ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар ҳам қўйилган. Бу суратларнинг ҳаммасига «Дор остидан репортаж» деб имзо қўйилган.

Сўнгги экспозиция Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда қаҳрамон антифашист, коммунист Юлиус Фучикнинг хотираси нечоқлик ҳурмат-эҳтиром билан шарафланаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

И. АЛИМОВ.

* * *

СУРАТДА: музейнинг ташқи кўриниши.

• Мажбуриятлар изидан

Барча резервлар— ишлаб чиқаришга

ЛЕНИН ВА ФРУНЗЕ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Ленин ва Фрунзе районлари ишлаб чиқариш коллективлари беш йилликнинг иккинчи йилида ўзаро социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузиб, беш йилликнинг иккинчи йили биринчи ойи давлат планини муваффақиятли уддаладилар. Давлат статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи планини районлар саноати 102,7 ва 100,9 процент бажардилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 2,2 ва 2,4 процент адо этилди.

Ленин райони корхоналари мажбуриятларни бажара бориб, мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 799 минг сўмлик, Фрунзе райони эса 338 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати районларда 100,4 ва 102,4 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 2,5 ва 5,0 процент ортиғи билан адо этилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Фрунзе районида 8 процент ўсди, Ленин районида планга нисбатан атиги 98,8 процентни ташкил этди. Сўнгги йилда Ленин районида ишлаб чиқариш ҳажми 111 минг сўмликка, Фрунзе районида 991 минг сўмликка ўсди. Бунда Фрунзе районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Ленин районида бу кўрсаткич 0 ни ташкил этди.

Ленин райони ишлаб чиқариш корхоналарида январь ойида ойлик планни 5 цех, 16 участка, 86 бригада, Фрунзе районида 32 цех, 24 участка, 68 бригада уддалай олмади.

1981 йил қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молия манбалари) Ленин районида 115 процент, Фрунзе районида 70 процент адо этилди; турар жойни фойдаланишга топшириш плани 100 ва 98 процент адо этилди.

Корхоналарнинг шу йилнинг январь ойидаги хўжалик-иқтисодий фаолияти, социалистик мусобақа якунини бугун Фрунзе район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Р. Норбоев шарҳлайди:

— Район саноат корхоналари меҳнаткашлари йилни яхши бошладилар — январь ойи плани муваффақиятли адо этилди. Ойлик топшириққа қўшимча 1,1 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шуниси характерлики, ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш натижасида эришилди.

Январь ойи планини 2-пойафзал фабрикаси, «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи, пахтачилик саноати экспериментал ишлаб чиқариш-механика устахонаси яхши техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлади. Бу корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 8—10 процент ва ундан ҳам кўпроқ ўсишини таъминлади. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини юксалтириш, меҳнатни ва технологияни ташкил этишни такомиллаштириш, техника янгиликларини жорий этиш туфайли эришилди.

«СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!», «Қолоқларсиз ишлаймиз!» шиорлари остидаги мусобақа яхши самара бераяпти. Ҳар бир иш жойида резервлардан билиб фойдаланиш борасида 1983 йилга қадар шахсий беш йиллик топшириқларини бажаришга қарор қилган машъал ишчилар яхши намуна бўлишяпти. Булар орасида тўқувчилар Е. Губина, К. Ёқуббоева, пойафзалчилар Т. Мусаев, У. Иброҳимхўжаев, гулчилар бригадири С. Мирхолдоров, пардозлаш тресги бўёқчиси М. Мирсобитов, ҳайдовчи Н. Турсунов ва бошқалар бор. Улардан намуна олган районимиздаги уч мингдан ортиқ меҳнат илғори беш йиллик планини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қадар бажаришга қарор қилдилар.

Шу билан бирга, корхоналар ишини таҳлил этиш шуни кўрсатаяптики, ҳали ҳамма корхоналарда ҳам ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларидан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Январь ойида Фрунзе районида ишлаб чиқариш ҳажмининг эришилган суръати умумшаҳар кўрсаткичидан 0,2 процент паст.

Абразив комбинатида, «Таштекстильмаш» заводида, пардозлаш трестининг қурилиш материаллари комбинатида, «Узэнерголегпром» бирлашмасининг бир қатор корхоналарида меҳнат аниқ ташкил этилмади, ишлаб чиқариш мароми бузилди. Натижада бу корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, маҳсулот реализация қилиш ва меҳнат унумдорлиги бўйича илгари эришилган суръатни пасайтириб юбордилар.

Шу нарса ташвишланарлики, абразив комбинати ўтган йилнинг январь ойига нисбатан маҳсулот реализация қилиш ҳажмини камайтириб юборди, меҳнат унумдорлиги 12,9 процентга, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 20 минг сўмликка қисқарди.

«Таштекстильмаш» заводида ҳам худди шундай аҳвол рўй бераяпти. Бу ерда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 352 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу асосан ҳар бир ишчи ҳисобига меҳнат унумдорлиги даражасини камайтириш ҳисобига юз берди. Қурилиш материаллари комбинатида ялпи маҳсулот ҳажми 314 минг сўмга камайди.

Барча меҳнат коллективлари беш йилликнинг янги йилига қадам қўйиб, ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажариш, планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Берилган ваъда амалий иш билан мустаҳкамланиши ғоят муҳимдир. Бироқ йил бошида бу ваъдаларни амалга ошириш учун таъсирчан ва изчил кураш олиб борилмади.

Абразив комбинати, пардозлаш трестининг қурилиш материаллари комбинати, экспериментал фурнитура-пластмасса заводи, «Узбекохотрибаксоюз» саноат корхоналари бошқармасининг коллективлари январь ойида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламадилар. Афтидан, партия ташкилотлари бу ерда социалистик мусобақани яхши ташкил этиш масалаларига дуруст эътибор беришмаган, жойларда ишлаб чиқаришни, меҳнатни аниқ ташкил этишни яхши назорат қилишмаган.

Планларни муваффақиятли бажариш, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ассортиментини кенгайтириш корхоналар маъмурияти, партия ташкилотларининг асосий иши бўлмоғи лозим. Бу проблеманинг муҳимлиги КПСС XXVI съезди қарорларида алоҳида қайд этилади. Бироқ баъзи бир жойларда бу масалаларга дуруст эътибор берилмаяпти. Жумладан, шу йилнинг январь ойида «Таштекстильмаш» заводи ишчилари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатини сусайтириб юбордилар. Қурилиш материаллари комбинати қолоқлар сафида қолди. Бу ерда мавжуд резервлардан тўла фойдаланилмади, натижада кенг истеъмол буюмлари бўйича ойлик план атиги 40,7 процент адо этилди.

Экспериментал фурнитура-пластмасса заводида ойлик топшириқ бажарилмади. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръати бу ерда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 процентни ташкил этди. Тўқимачилик комбинатида сифатнинг олий категориясида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 27,7 процент адо этилди.

Ишнинг манфаатлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳар бир иш жойида, цехда, бригадада резервлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, бунда коллективларнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик натижасида юзага келган юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигидан фойдаланиш, беш йилликнинг иккинчи йили учун қабул қилинган давлат планларини, социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажарилишига эришиш лозим.

Пойтахтимиздаги «Таштекстильмаш» заводи коллективи муборак айём— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун шу кунларда социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Бу ерда кўплаб коммунистик меҳнат зарбдорлари ва жонкуяр ишчилар меҳнат қилади. Ана шундай пешқадамлардан бири С. Умаровдир. У ўн олти йилдан бери мазкур корхонада сайқалловчи бўлиб ишлаб келмоқда. III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени кавалери июль ойигача йиллик планини бажариш мажбуриятини олган.

СУРАТДА: социалистик мусобақа ғолиби С. Умаров.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• Ишчи-тежамкорлик ҳақида

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ФАОЛЛИГИ ОШЯПТИ

КПСС XXVI съезди қарорларини кун сайин амалга тадбиқ этаётган СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишчи-хизматчилари партия ва комсомол комитетлари етакчилигида корхонада халқ назоратчилари группалари фаолиятини кучайтираяптилар.

Ҳозирда шундай группалардан 31 таси коллективларда ташкил этилиб, 650 дан ортиқ назоратчини бирлаштирган. Улардан кўпчилиги ишлаб чиқариш илғорларидир. 28-механика цехи созловчиси Л. Недозеров, 2-механика-пресс л а ш цехи катта мастери А. Федюшина, 7-механика цехи участка бошлиғи А. Козлов, 3-пресслаш ва пайвандлаш цехидан И. Қорабашев, У. Турғунбоев, О. Бўриев кабилар нафақат ўз ишларида, жамоат иши бўлган халқ назоратчилари орасида ҳам бошқаларга ўрнакдирлар.

Ўтган ўн биринчи беш йилликнинг зафарли биринчи йилида корхонада жами 374 халқ назоратчилари рейди ўтказилди. Бу рейдлар оператив суратда ўтказилиб, топилган барча камчиликларга тезда барҳам бериш йўллари излаб топилди.

Айниқса бу ишда цехларда ташкил этилган «Комсомол прожектори», «Халқ назоратчилари бурчаги», эълонлар стенди, «Халқ назоратчилари ҳаракати» рейди муҳим ўрин тутмоқда.

Уюштирилган тадбирлар натижасида технологик процесслар кучайди, эскирган дастгоҳларни алмаштириш, айрим цехлардаги электр ёритиш аппаратларини бутунлай алмаштириш, цехларга иссиқлик тарқатувчи қозонларнинг теплоизоляция жиҳатдан ремонт қилиш, қизитиш печлари ишини такомиллаштириш кабилар бажарилди. Шу мақсадларда киритилган рационализато р л и к таклифлари ўтган йилда корхонада 6292 киловатт-соат электр-энергияси, 7115 гигокалория иссиқлик энергияси, 7088 тонна ёқилғи тежаб қолиш самарасини берди.

Шу кунларда заводда халқ назоратчилари фаоллиги оширилиб, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили план топшириқларини шараф билан бажариш йўлида кураш давом этмоқда.

Ғ. РАЗЗОҚОВ,
Тошкент трактор заводи ишчиси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ФОТОХЕМ» ЮКСАК МАРКАСИ

ПРАГА. Бугунги кунда «Мосфильм» СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг фотолабораториялари кўпгина илмий тадқиқот муассасалари Чехословакиядаги «Фотохем» корхонаси маркаси қўйилган фотоматериаллардан фойдаланмоқдалар. Бу корхонада Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Чехословакия корхонасининг маркаси қўйилган фотоматериалларнинг деярли 80 проценти Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг ташқи савдо ташкилотларига жўнатилмоқда. «Фотохем» корхонасининг кўплаб маҳсулоти мунтазам равишда СССР ва ГДРга етказиб берилмоқда. Бу мамлакатлар комбинатнинг энг катта буюртмачилари ҳисобланади.

Маҳсулот сифатининг ўсиши билан унга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларидаги шериклар билан ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш манфаатларини кўзлаб, келгуси йилларда бу ерда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

ВАРНА ПАРОМ КОМПЛЕКСИ

СОФИЯ. Варна паром комплексининг қиёфаси ўзгариб кетди. Бу ерда иккинчи причал қуриб битказилди. Бу причалнинг фойдаланишга топширилиши кемаларнинг бекор туриб қолишини анча қисқартириш, юк ортиш ва туширишни жадаллаштириш, ишни янада пухта ва маромли қилиш, унинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қўлга киритилган муваффақиятлар комплекс коллективини ҳали фойдаланилмаган резервларни қидириб топишга руҳлантирмоқда. Маъмурият ишчилар ўртасида ўтказган савол-жавоблар асосида комплексни ривожлантиришни н г тармоқ программалари ишлаб чиқилди. Шундай программалардан бири ёнилғи, материал ва электр энергияни тежашга тааллуқлидир. Локомотивлар ҳаракати графигини такомиллаштириш йўли билан юк ортиш-тушириш ишлари бажарилган вақтда камроқ локомотивлардан фойдаланиш тўғрисидаги таклиф бу программанинг асосий банди бўлди.

Иккинчи программа илғор тажрибани, шу жумладан совет тажрибасини практикага бундан буён ҳам жорий этиш билан боғлиқдир.

Варна ва Ильичевск темирйўлчилар коллективлари ўртасидаги интернационал социалистик мусобақа Варна паром комплексини ривожлантириш тармоқ программаларининг бажарилишига ёрдам беради.

СЕРУНУМ АГРЕГАТЛАР

БЕРЛИН. Бу йил ГДР станоксозлик саноати ишлаб чиқариш ҳажмини 8 процентдан зиёд кўпайтириш белгиланди. Бунга эса аввало автоматлаштирилган комплекслар, шунингдек программа—рақам билан бошқариладиган станоклар ишлаб чиқариш йўли билан эришилади. Бундай серунум агрегатлар республика комбинатларид а г и н а эмас, шу билан бирга Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг шундай корхоналарида ҳам меҳнат шароитларини анча яхшилаш ва унинг унумдорлигини ошириш имконини беради.

Жаҳондаги энг яхши стандартлардан қолишмайдиган машина-ускуналарни ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва кўплаб чиқаришни йўлга қўйиш шу беш йилликда тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишидир, деди ГДР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри Р. Георги. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида бундай машиналар улуши 1985 йилда салкам 80 процентни ташкил этади.

Шу нарса диққатга сазоворки, янги техникани жорий этиш натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши аввало айрим машиналар ҳисобига эмас, балки янги технология линияларини вужудга келтириш ва саноат роботларини кенг жорий қилиш йўли билан таъминланади.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

ПХЕНЬЯН. КХДРнинг шимоли-шарқидаги Хверен-Комусан темир йўлини электрлаштириш ниҳоясига етказилди. Бу йўл атиги 50 километр бўлишига қарамай, қурувчиларга мураккаб тоғ шароитида катта ҳажмдаги ишларни бажаришга тўғри келди. Темир йўл транспортини электр тортувига кўчириш шу йўлда юк ташиш ҳажмини икки баравар кўпайтириш имконини беради.

Ҳозирги Корея етти йиллигининг (1978 1984 йиллар) дастлабки уч йили мобайнида КХДРда 1200 километр узунликдаги пўлат магистраллар электрлаштирилди. Ҳозирги вақтда транспортнинг ана шу турида ташилаётган жамики юкларнинг 90 процентдан кўпроғи электровозлар ёрдамида ташилмоқда, деди ТАСС мухбирига республика темир йўллар министрлиги бошқармасининг бошлиғи Хе Чон Бок. Темир йўл транспортининг электр тортувига ўтказилиши составлар вазнини ўрта ҳисобда икки баравар кўпайтириш, поездлар ҳаракати тезлигини эса 2,5 баравар ошириш имконини берди.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ТЕҲРОН. Эрон ҳукумати саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун шарт-шароит вужудга келтириш чораларини кўрмоқда. Бу эса мавжуд иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга имкон беради. Эрон ҳукуматининг расмий вакили А. Таваккали бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирди.

А. Таваккали уқтириб ўтдики, Исфаҳон металлургия комбинатининг иккинчи кокс батареяси яқин кунларда ишга туширилади. Маълумки бу энг катта саноат корхонаси Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган. Ҳукумат вакили Эронда металл ишлаб чиқариш яна бир йилдан кейин 1,8 миллион тоннага етади, деб ишонч билдирди. Унинг айтишича, йирик саноат корхоналарининг кенгайтирилиши аҳолини иш билан таъминлаш проблемасини ҳам ҳал қилади.

***

АНҚАРА. Туркияда чиқадиган мўътабар газеталаридан бири «Жумҳурият» Ғарб капиталининг Туркия саноатини ривожлантиришга халақит беришга уринаётганлигини қоралади. Газета ўз шарҳида халқаро валюта фонди, реконструкция ва ривожлантириш халқаро банки ҳамда бошқа қарз берувчи капиталистик банклар Туркияга ўз миллий саноатини ривожлантиришдан воз кечган тақдирдагина қарз бераётганликларини уқтириб ўтади. Халқаро валюта фонди ва реконструкциялаш ҳамда ривожлантириш халқаро банки каби Туркиянинг Вашингтондаги «Олий ҳиммат» шерикларининг асоратли «ёрдами», деб уқтириб ўтади «Жумҳурият» газетаси, Туркияга ғоят ривожланган мамлакат даражасига эришишига имкон бермайди.

Туркиядаги энг катта «Турк иш» касаба союз бирлашмаси эълон қилган маълумотларга қараганда мамлакатда ишсизлар сони 2,9 миллион кишидан иборат бўлиб, барча меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15 процентини ташкил қилади.

***

ТУНИС. Банк хизматчилари огоҳлантириш тариқасида умумий забастовка ўтказдилар. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Тунис умумий меҳнат бирлашмаси раиси Ҳ. Ашур Тунис пойтахтида бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб иш ташлаганларнинг талабини қувватлади.

***

БАЙРУТ. Тель-Авивда озиқ-овқат ва бошқа энг зарур моллар нархи яна оширилганлиги эълон қилинди. Исроил радиосининг хабар беришича, нон, ёғ, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 12—19 процент қимматлашди. Пулнинг долларга нисбатан ўсиб бораётган қадрсизланишини қоплаш мақсадида ҳукумат яна бензин ва нефть маҳсулотлари нархини оширди.

Исроилда нарх-навонинг тобора ўсишига Тель-Авив ҳукмрон сионист доираларнинг тутган авантюристик миллитаристик йўли сабаб бўлмоқда.

***

ЛОНДОН. Бирлашган Араб амирликлари составига кирган Абу-Даби князлигида янги катта нефть кони топилди. Рейтер агентлигининг хабар беришича, бу кейинги 20 йил ичида топилган энг катта кон бўлиб, Бирлашган Араб амирликлари пойтахти Абу-Дабининг ғарби-шимолидаги районда жойлашган. Нефть ва табиий ресурслар министри Ал-Утейбанинг айтишича, князликда ҳар куни қарийб бир миллион баррель «қора олтин» қазиб чиқарилмоқда: 1985 йилнинг охирига бориб, нефть қазиб чиқариш ҳар куни 3 миллион баррелга (бир йилда қарийб 150 миллион тоннага) етади, деб уқтириб ўтди. министр.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг Китоб район бирлашмаси механизаторлари Зарафшон тизма тоғи этакларида юз гектар массивни ўзлаштирдилар. Бу йил баҳорда бу массивда «Зарафшон» чорвачилик совхозининг озуқабоп экинлари етиштирилади. Бу ерда 3 минг бош сигирга мўлжалланган катта сутчилик комплекси барпо этилмоқда. Массивга Оёқчидарёдан бошланадиган 3 километрлик каналдан сув келди, бу ерда кучли насос ўрнатилди.

∴ ∴ ∴

«Наманганводстрой» трестига қарашли Поп механизациялашган колоннасида кўчма бетон заводи ишга тушди. Бу ерда бир сменада 200 кубометргача бинокорлик материали тайёрланиб, механизациялашган колоннанинг ҳамма объектлари шу материал билан таъминланмоқда. Эндиликда трестнинг барча бўлинмаларида еттита кўчма бетон заводи ишлаб турибди. Бу заводлар гидроиншоот қурувчилар учун ғоят қулайдир. Бундай корхоналарни тезда бўлакларга ажратиш ва янги жойда монтаж қилиш мумкин.

∴ ∴ ∴

«Ширдарьяводстрой» трестининг ишлаб чиқариш илғорларидан 20 киши 1983 йил ҳисобига ишлай бошлади. Улар орасида Мамед Муродасилов, Владимир Смирнов, Исмоил Давлатов, Ҳотам Йўлдошевлар бор. Улар ҳар куни икки смена нормасини бажармоқда.

∴ ∴ ∴

Шофиркон районидаги Жилвон массивида «Фарғона» деб аталган янги боғдорчилик-узумчилик совхози ташкил қилинди. Хўжаликда иккита бўлим, 10 та бригада бор. Райондаги колхоз ва совхозлардан ўнлаб ёш деҳқонлар янги ерларга кўчиб келишди.

∴ ∴ ∴

Пешку районидаги санаторий типидаги ўрмон мактаб-интернати ўқувчилари «Ғаллакор меҳнатини шарафлаймиз» деган мавзуда кеча ўтказдилар. Болалар Бухоро области ғаллакорларига бағишланган фотостенд тайёрладилар ва меҳмонларни ўзлари ёпган нон билан кутиб олдилар. Ўқувчилар ўз тажриба участкаларида етиштирилган буғдойдан тортилган ундан йигирма хилдан кўп нон-булка тайёрладилар.

∴ ∴ ∴

Нукус давлат университети агрономия факультетини битириб чиқувчиларга кенг профилдаги механизатор гувоҳномалари топширилди. Улар Автоном Республика хўжаликларида тажрибали деҳқонлар раҳбарлигида яхши амалий тайёргарлик кўрдилар. Совхозларда ишни ташкил этиш илғор методларини ўзлаштирдилар. Бу йил университет Қорақалпоғистоннинг қўриқ ерлардаги хўжаликларга 60 га яқин малакали агроном юборади.

(ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Мусобақа шарофати

ФОТОРЕПОРТАЖ

Собир Раҳимов районида бунёд этилаётган «Марказ—17» ва «Марказ—18» кварталлари кун сайин чирой очиб бормоқда. Бу ерда замонавий типдаги баланд қаватли турар-жой бинолари қад ростлаяпти. Агар ўнинчи беш йилликда бу ерда беш қаватли турар-жой бинолари бунёд этилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда янги кварталларда тўққиз қаватли турар-жой биноларини қуриш мўлжалланган.

Айни пайтда «Ташгипрогор» лойиҳа институти меъморлари яратган лойиҳалар асосида бу ерда иккита тўққиз қаватли турар-жой биноси бунёд этиляпти. Шулардан бири 306 квартирали 13-уй бўлиб, бу бинода сўнгги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаяпти. Монтаж ишларини 1-уйсозлик комбинатига қарашли 3-монтаж бошқармасининг Владимир Душехватов бошлиқ бригадаси коллективи олиб боряпти.

Иккинчи турар-жой биноси ҳам 125 квартирали бўлиб, бу ерда сантехниклар санитария-техника ишларини амалга ошираяптилар. Шу комбинатга қарашли 25-қурилиш бошқармасининг Валентина Савельева бошчилигидаги сайқалчилар пардоз ишларини муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Улар мазкур объектда жами 280 минг сўмлик пардоз ишларини амалга оширдилар. Ҳозир бино олдида болалар майдончаси, кичик архитектура формалари ва бетонли ариқ шохобчалари ўрнатилмоқда.

Қурувчилар бу ерда яна бир тўққиз қаватли турар-жой биносини қуриш ишларини бошлаб юбордилар. Ҳозир бу бинонинг пойдевори тикланмоқда.

Турар-жой бинолари қурилишида меҳнат қилаётган барча бригадалар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида баракали меҳнат қилиб, ҳар бир ҳафтани зарбдорона якунлашга эришяптилар. Жамоатчи фотомухбир Ҳ. Мирзакаримовнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратларида «Марказ—17» ва «Марказ—18» кварталларида фойдаланишга топширишга тахт қилиб қўйилган тўққиз қаватли турар-жой бинолари тасвирланган. Иккинчи суратда эса фойдаланишга топшириш арафасида турган уй корхоналарида сантехниклар П. Крашенников, В. Бодров ва бригадир Алексей Мелешкинлар санитария-техника жиҳозларини ўрнатмоқдалар.

С. ҲАСАНОВА,
Тошкент Давлат университети студенти.

• Редакцияга хат

БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИМАС

Ҳамза районидаги Иззат кўчасининг охирида иккита катта автобаза жойлашган. Буларнинг бири «Узпишчепромтранс»га қарашли ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги автомобиль эксплуатация бирлашмаси ва иккинчиси 145-автобаза. Бу икки автобазанинг ҳовлилари олдидаги катта-катта майдонлар атрофидаги серқатнов йўллар ўйдим-чуқур, зовур ва кўлларга айланиб ётибди. Айниқса, «Узпишчепромтранс»нинг автобазаси олдидаги йўл ва майдон ниҳоятда ачинарли.

Бу икки автобазанинг раҳбарлари асфальт йўлнинг ўртасидан, қоқ белидан зовур қазидиришиб, телефон кабель ўтказишганига икки йилдан ошди. Йўл бузарлар кабелларни қўл учида кўмган бўлдилар, шу-шу қораларини кўрсатмай кетишди. Шундан бери Иззат кўчасида автобазалар жойлашган қисми ёзда шағал, чанг ва тупроқдан тўзиб аҳоли яшайдиган ҳовлилар ахлат ва чанг билан қопланади. Қишда эса ўрдак сузадиган даражада катта-кичик кўллар ҳосил бўлиб, мактабга борадиган ёш болаларнинг қатновига тўсқинлик қилмоқда.

Наҳотки, катта техникага эга бўлган, ҳар куни шағал, асфальт ташийдиган машиналарга эга бўлган бу база раҳбарлари ўз идораси —базаси олдини асфальтлаб ололмаса. Бўзчи белбоққа ёлчимас, деб шуни айтсалар керак-да.

Ҳ. УЗОҚОВ.

Ҳикматлар хазинасидан

✦ Қалби пок, нияти соф, одамларга муҳаббатли киши мард бўлади.

✦ Қўрқоқ одам вайсақилик қилиб ҳамманинг кўнглига ваҳима солади.

✦ Марднинг сўзи билан иши бир бўлади, ваъдасига вафо қилади.

✦ Дўстингни севсанг, сирини пинҳон тут.

✦ Садоқатли дўст — саодатли дўстдир.

✦ Кўнгил шишаси нозик, у синса қайта қуйиб бўлмайди.

Ҳикоят: Бир аҳмоқ киши бир болани беҳуда койиб, дилига озор берарди. Буни кузатиб турган бир доно айтди:

— Ҳай, биродар, нега боланинг кўнглига озор беряпсан?

— Эрмак, уни эрмак қиляпман, — деб тиржайди аҳмоқ.

— Эҳ, инсон, эрмак истаб бола кўнглини қон қилгандан кўра, фойдали бир меҳнат билан шуғуллансанг бўлмайдими?

— Мен меҳнатни ёмон кўраман.

— Ҳа, энди тушундим, — деди доно. — Сен ҳам аҳмоқ, ҳам нодон экансан.

Халқ ҳикмати: Ўлганга йиғлаган эссиз кўзим. нодонга айтган эссиз сўзим.

Шеър:

Бахт топмоқ истасанг
меҳнатдан қўл силтама,
Ялқов, дангасаларни
одамсан деб атама.

✦ Нодон ҳам, аҳмоқ ҳам ҳеч қачон нодон ё аҳмоқлигини тан олмайди.

✦ Улфатчилик, ичкилик ва мансаб юзасидан сенга яқинлашган одамни дўстим деб билма!

✦ Яхши-ёмон кунингда яраган дўст туғишгандан яхши.

Ҳикоят: Қиёматли, қадрдон икки дўст бор эди. Уларнинг исмлари ҳам қофиядош эди: бири Ботир, бири Қодир эди. Кунлардан бир кун улар саёҳатга чиқишди. Мўл юриб бир чўлга етишди. Чўлнинг ярмига борганда улар адашиб қолишди. Бу фалокат устига улар қароқчиларга учрашди, мол-ҳолларини бой беришди. Шу пайт Ботир бир қароқчини отдан уриб туширди-ю, унинг отига миниб қочди.

Қароқчилар Ботирни қувиб кетдилар, лекин етолмадилар. Шундан кейин улар чўлда қолган Қодирни ёнига қайтиб, сўрадилар:

— Дўстинг қочганда, нега сен ҳам қочмадинг.

— Биринчидан, қочишга иложим йўқ эди. иккинчидан, дўстим бирор ёқдан айланиб келиб отига мени ҳам мингаштириб кетади деб умид қилдим.

— Қочиб кетган чин дўстингми?

— Чин дўстим. биз қиёматгача садоқатли бўлишга қасамёд қилганмиз, — деди Қодир дадиллик билан.

— Яхши. — деди қароқчиларнинг бошлиғи, — агар бу йигитнинг гапи рост бўлса. у садоқатли дўсти бўлса. бу ерга дўстини ҳимоя қилгани келади, ана шунда уни ушлаб оламиз.

Қароқчиларда умид пайдо бўлди. Улар шу ерда уч-кеча кундуз Ботирнинг келишини пойлаб ётдилар. базм қурдилар. Лекин Ботирдан дарак бўлмади. Қароқчилар йўлга чиқадиган бўлишди. Шунда Ботир отдан йиқитган ғўладек ҳунук гавдали қароқчи ўз бошлиғидан сўради:

— Амир этсанг. дўсти мени отдан йиқитгани учун бу йигитнинг калласини олсам...

— Йўқ, — деди қароқчиларнинг бошлиғи, — бу йигит уч кун нон-тузимизни еди. меҳмонимиз бўлди. меҳмонга қўл кўтармаслик керак. Иккинчидан, бу йигитда мен жасорат сездим, чунки дўсти қочганда унинг омон-эсон қутилиб кетиши учун отга мингашмади, мардлик қилди. Лекин унинг дўсти чин дўст эмас экан, дўстини фалокатда қолдириб кетди. Бу жасоратли йигитга ҳиммат кўрсатамиз.

Қароқчилар бир от бериб, Қодирни чўлдан чиққунча кузатиб қўйдилар.

Қодир бир неча кун йўл юриб, уйига қайтиб келди. Эшитдики, Ботир унинг уйига келиб бўлган фалокатни ҳам айтмабди. Эртаси кун Қодир хавотир олиб дўстини излаб борди. У маишат қилиб ётарди.

— Эй дўстим, омонмисан, мен сени қароқчилар ўлдириб юборди деб ўйлагандим. тирикмисан ишқилиб дўстим.

Қодир нафрат билан деди:

— Тирикман, аммо сендек бевафо дўст учун ўлганман. Сен дўст эмас, номард экансан.

Байт:
Одам эрсанг дўстлар ичра дурдона бўл,
Яхши дўстга ҳамма кунда парвона бўл!

✦ Яхшилик — ҳаётнинг лаззати, ёмонлик умрнинг иллати.

✦ Кўнгил берган одамингдан айрилмагин, бир жаҳонингни йўқотган бўласан.

✦ Муҳаббат қуёшинг доим ловиллаб турса, ҳаётинг болдек ширин ўтаверади.

Ҳикоят: Донишмандлар султони Абу Наср Форобийдан сўрашди:

— Дунёда нима ширин?

— Фарзанд, — деди Абу Наср. — фарзанд икки юрак дуридан пайдо бўлади, у одам ҳаётининг ширин мевасидир. Фарзандга эса, ота-онаси шириндир. Ширин фарзандни яхши тарбияласангиз, мангу болу асал ейсиз, раҳмату олқишлар эшитасиз.

Байт:
Ширингинам, тилгинам — фарзандим.
Юраккинам, дилгинам — фарзандим.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

КЎНГИЛ кўнгилдан сув ичганидек, кўз кўздан нур олади. Худди шундай бўлди. Акмал бу ишхонага яқинда келди. Ҳали бўйдоқ, ўзи ҳам табиатан уятчан йигит. У ўтирадиган хона тўрида, рўпарадаги столда кўзлари чароcдек қоп-қора, ёноқлари нақш олмадек хушсурат қиз ўтирар, Акмалга зимдан қараб-қараб қўярди. Акмал ҳам унинг чиройли кўзларидан нигоҳини узолмас, қараган сари қандайдир куч яна суқланиб қарашга мажбур этарди.

Бир сафар нигоҳлар мулойим учрашди. Қиз унга шириңгина табассум ҳадя этди. Балиқ қармоққа илингандек Акмал нигоҳини бу шаҳло кўзлардан ололмай қолди. Назарида қизнинг тим қора, бахмалсимон узун киприклари зеб бериб турган шаҳло кўзларида сеҳрли жозиба бор эди, нозик табассумида, латиф ибосида гўзал бир нафосат яшнаб турар эди... Билмади, қанча вақт ўтди, қиз бирдан ийманиб, кўзини олиб қочди. Бўлди. Акмалнинг бутун фикру-хаёлини шу жоду кўзлар олиб қўйди.

У ўзини иш билан овутмоқчи бўлар, лекин уни нимагадир ундаётган жоду кўзлар ҳамма нарсадан совутиб қўйган эди. Қиз бундан фахрланар, айни пайтда кундан-кунга яшнаб, гул очила бошлади. Акмал эса юрса ҳам, турса ҳам рўпарасида шу кўзларни кўраётгандай, шу кўзлар билан гаплашаётгандай бўлаверди. Бу кўзлар унга уйқусида ҳам тинчлик бермади. У тушларида ҳам ўзини таъқиб этаётган шаҳло кўзларни кўрарди.

Қиз кўзларида латиф ифода, сирли боқишлар... Энди бу кўзларда ғамза, нозли иболар пайдо бўлди. Энди бу кўзлар йигитга хоҳлаган «буйруғ»ни бера олар, хоҳлаган пайтида кулдириб, хоҳлаган пайтида йиғлата оларди.

Акмал қиз кўзларининг аёвсиз қарашларига бардош бера олмади. У кундан-кунга итоаткор, кундан-кунга маъюс бўлиб борарди.

Кўзлар мақсадига етди. У йигитни бутунлай ўзининг сирли боқишлари оғушига олди. Қиз кўзларида айёрона табассум балқиди. Сўнг у яна ўша ифода билан йигитдан садо кутди. Акмал кўзларни ҳеч бундай ҳолда кўрмаганди. Қизнинг ўша-ўша шаҳло кўзлари қандайдир нотабиий ғурур билан боқиб турарди... Акмал бу кўзларга биринчи бор тик боқиб кутилмаганда ниманидир англагандай бўлди. Бу иболи кўзлар ниманидир яшираётганга ўхшарди.

Қизнинг шаҳло кўзлари энди унга ниҳоятда ҳиссиз, совуқ, нурсиз, айни пайтда унинг қарашлари сохта туюлди. Шунда йигитга ўша шаҳло кўзлардаги ширин табассум ҳам, латиф ҳаё, гўзал иболар ҳам, ғамзаю-нозлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси алдоқчи бир рўё бўлиб туюлди. Акмал бу ҳақиқатни тан олгиси келмасди. Бу унинг қалбини аёвсиз тирнар, ачитиб азоб берарди...

Акмал нима бўлаётганини чуқур идрок эта олмас, хаёли чарх уриб айланарди. У тўсатдан ўзини англаб олди. Қиз кўзлари, унинг сирли боқишлари замирида нимадир борлигини фаҳм этгандай бўлди, қатъий бош кўтарди... Яна қиз кўзларининг ўткир «тиғи»га дуч келди... Сўнг бу кўзларга қатъий, аммо чуқур нафрат билан тикилди. Энди... Қиз бардош бера олмади. Кўзлари бирдан жиққа ёшга тўлди. Ёноқлари оқариб кетди. Қўли билан юзини бекитиб, унсиз йиғларди. У ўзини босиб ололмас, столга бошини қўйганча титраб-титраб йиғларди. Сўнг ёшли кўзлари билан йигитга қаради, алам ва ўкинч билан ўксиб-ўксиб:

— Мен... мен.. — деди ва яна йиғлаб юборди. Сўнг йиғи аралаш эшитилар-эшитилмас нимадир деди. Бу гўё «алданганман» дегандай бўлиб эшитилди...

Акмал бир зум нима бўлаётганини тушуна олмасдан қотиб қолди. Сўнг ҳайрат ва илтижо билан —Шаҳло... —деди. Лекин овози бўлиниб қолди.

Қиз эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетганди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ.

ШАНБА ОҚШОМИ

✦ ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ ✦ УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛАДИ ✦ ҲИКМАТ —БИР ҲОВУЧ ОЛТИН ✦ ЛАЗЗАТИ БИР ЖАҲОН

• *Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

Массив аҳолисига совға

Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси бўлимида ҳозир 52 та озиқ-овқат магазини бўлиб, булар бир кунда аҳолига 145 минг сўмлик хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили районда учта замонавий озиқ-овқат магазини ва шунча шиша идишлар қабул қилиб олувчи магазин фойдаланишга топширилган эди.

Бу йил «Марказ — 18», «Марказ — 17» кварталида ва Чуқурсойда янги озиқ-овқат магазинларини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари балиқ билан савдо қилувчи 6-магазин ва шиша идишлар қабул қилиб олувчи учта пункт фойдаланишга топширилади. Бугунги кунда райондаги 46 та озиқ-овқат магазини ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида харидорлар ҳожатини чиқармоқда. Куни кеча Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 64 йиллиги кунида шаҳримиздаги Тансиқбоев массивида замонавий, кўркам озиқ-овқат магазини ҳамшаҳарларимиз хизматига топширилди.

Бу магазиннинг райондаги бошқа магазинлардан афзаллиги шундаки, унинг савдо зали жуда кенг бўлиб, харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Магазинни «Жилстрой» трестининг «Ташросстрой» бошқармаси қурувчилари муддатидан илгари фойдаланишга топширишди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи бу магазиннинг савдо зали 150 квадрат метрни ташкил қилиб, нон, қандолат, бoққоллик, сут ва гастрономия бўлимлари жойлашган. Бир кунда 4,5 минг сўмлик савдо қиладиган бу магазинда 20 сотувчи харидорларга хизмат кўрсатади.

СУРАТДА: янги магазинда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• *Аҳолига қулайлик*

Янги маршрут очилди

Трамвай-троллейбус бошқармаси йўловчиларга янада кулайлик туғдириш мақсадида 1 мартдан бошлаб бир қанча трамвай ва троллейбусларнинг янги маршрутини очди ва узайтирди. Янги 6-трамвай маршрути Циолковский кўчасидан М. Горький проспекти ва генерал Петров кўчаси орқали Трактор массивига қатнайди. 1-Қуйлиқ массивининг 3-микрорайонидан Жарқўрғон кўчасигача борадиган 26-трамвай маршрути эса Темир йўл вокзалигача борадиган бўлди. Комсомол майдонидан Оқтепа майдонига қадар қатнаётган 12-маршрутли троллейбус эса Қатортол орқали ўтиб, Чилонзорнинг 18- кварталига боради.

БУГУН

8-маршрутда қатнаётган троллейбус ҳаракатига ҳам ўзгартириш киритилди. Энди ана шу маршрутдаги троллейбус Охунбобоев майдонидаги ер ости йўли қурилиши муносабати билан Хадра майдонидан Ишчилар шаҳарчасигача, Беруний проспектидан (ҳаммом ёнидан) Студентлар шаҳарчасигача боради.

Трамвай-троллейбус бошқармаси ҳар куни 314 та трамвай ва 280 та троллейбусни йўловчилар хизматига чиқармоқда.

КИЗИҚАРЛИ ПАЗАНДАЛИК

ЗЎРАКИ ТУХУМ

Битта танишим шундай савол билан мурожаат қилиб қолди:

— Айтингчи, паранда тухумининг катта-кичиклиги қанақа бўлади?

— Бу қушнинг турига боғлиқ —булбулники пистадек, бедананики кишмишнинг донасидек, каклик тухуми эса олхўридек. Нимайди?

— Мен товуқникини сўраяпман, — деди-да, жилмайди.

«У мени калака қиляпти», — деб ўйладим, —шуниям билмайсанми, — деган маънода — кичикроқ лимондаккина! Ёки оқ пиёз борку, ана ўшанча! —дедим.

— Бўлмаса мана буни ўқинг,, — деб қўлимга «Известия» газетасининг 1982 йил, 1 февраль сонини тутқазди. Табиатнинг шўри-ғавғосини қарангки, «Португалиянинг Коимбра шаҳридаги хонадонларнинг бирида бошқа товуқлардан сира фарқ қилмайдиган битта макиён нақ 220 граммли тухум туғибди!». Газета бу хабарни АДН агентлигининг маълумотига асосланиб эълон қилган.

Ўша тухумнинг учли томони диаметри 6 сантиметр, пайнак томониники —12 сантиметр, узунлиги эса 20 сантиметр келар экан. Уйга бориб, шу ўлчовларга асосан эллипс чизиб кўрдим. Катталиги туяқуш тухумининг ҳажмидек чиқди, яъни узунлиги бир қарич, айланаси эса чойнакнинг қорнидек. Яна ҳам аниқроқ тасаввур қилишингиз учун таққослайман: зўраки тухум сапча қовуннинг ҳамагидек келар экан!

✦ Ана шу тухумдан тўрт кишининг нонуштасига кифоя қиладиган қуймоқ пишириш мумкин.

✦ Унинг таркибидаги оқсил моддаси жисмоний иш билан шуғулланувчи иккита, ҳар бирининг тана оғирлиги 70 кило бўлган, одамга бир суткада зарурий оқсилнинг физиологик нормасига етиб ортади.

БИЛАСИЗМИ?

✦ Ёки ҳисоблаб кўрсам, зўраки тухумнинг калорияси 400 грамм мол гўштининг тўқтутарлигига тенглашса олар экан.

✦ Билиб қўйган яхши-да. Ёввойи товуқлар бир йилда атиги 15 тагача ёнғоқдай келадиган тухум қўйишган, қўлга ўргатилиб селекцияга киритилган эндиликдаги товуқларнинг ҳар биридан йилига 220 тача лимов катталигидаги тухум олинади. Бу масаланинг миқдорий томони.

✦ Энди агар, ҳозирча ягона, тасодифий бир ҳол, ўша, зўраки тухум товуқ аъзоларида воқий бўлиш имконияти қандай сабабиятларга боғлиқ эканлиги биолог олимлар томонидан ўрганиб чиқилса, мана шунинг ўзи фан учун ҳам, инсон овқатланиши учун ҳам зўр аҳамият касб қилар эди. Бу масаланинг сифатий томони.

К. МАҲМУДОВ.

Она табиатимиз антиқа мўъжизалар яратишга қодир. Юқоридаги сулк қандайдир алвастини эслатади. Картошкани қаранг, худди чиғаноқли денгиз жониворига ўхшайди.

Х. ШОДИЕВ фотолари.

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛДИҚЛАР

ЛИМА. Археологлар Перудаги Амазонка дарёси ҳавзасида жойлашган Икитос шаҳри яқинида топган қабристонга камида 1500 йил бўлган деб фараз қилинмоқда. Демак, бу ерда одамлар инклар цивилизацияси пайдо бўлгунига қадар дафн этилган.

Қазишмалар чоғида кўпгина рўзғор ашёлари, шу жумладан катта-катта металл идишлар чиқди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонлик археологлар Гужарот штатидаги Барода шаҳри яқинида тоғлик районда палеолит давридаги ибтидоий одам масканини очдилар. Қазишмалар чоғида кварцитдан ясалган ранда, болталар, куракдар топилди. Илгари бундай қуроллар штатнинг марказий қисмидан оқиб ўтувчи дарё соҳилларидан топилган.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ..

Кроссвордни қандай ечасиз?

Ҳурматли редакция! Кроссворд нима, у қандай ечилади?

М. ҚОСИМОВ,
студент.

●

Кроссворд сўзини эшитмаганлар бўлмаса керак. Лекин уни қандай ечиш ва тузишни кўпчилик билмаслиги мумкин. «Сўз топиш ўйини» —кроссворд ўзига хос фикрий машқ бўлиб, мавжуд бошқотирмаларнинг «подшоси»нинг бир тури ҳисобланади. Бу ажойиб ўйин-топишмоқни асримизнинг бошларида инглиз Виктор Орвелл ихтиро қилди ва уни «Катаклар бўйлаб у ёққа, бу ёққа» деб номлади.



Таниқли математик Д. Пойа «Кроссорддек кичик бир жумбоқнинг ечилиши кишига буюк кашфиёт завқини бағишлайди», деган эди.

Иттифоқимизда биринчи кроссворд 1929 йил «Огонёк» журналининг май ойи сонида эълон қилинди. Шундан бери унга газета ва журналлар саҳифаларида кенг ўрин берилмоқда. Унинг ихлосмандлари кўпайиб бормоқда.

Францияда ихлосмандлар учун махсус луғат китоблари чоп этилган. ЧССР ва ГДР ҳафталикларида катта-катта кроссвордлар бериб бориш расм бўлади. Польшада нашр этилаётган «Пшекрўй» ҳафталик журналида кроссворд тузувчининг сурати ҳам бериб борилади.

Бельгиялик Блез 7748 сўздан иборат бўлган гигант кроссворд тузиб. норасмий жаҳон рекорди қўйди. Бунгача энг катта кроссворд ўз ичига 6334 сўзни олганди. Блез ўз кроссвордини саккиз йил давомида тузди. Унинг жавоблар билан бирга муқоваланган варақлари 180 бетли китобни ташкил қилади. Кроссворднинг ўзи эса 110 — 170 сантиметрдир. Рекордчининг фикрича, ўртача савиядаги ишқибоз унинг «масаласи»ни уч ойда ечади.

Кроссворднинг қандай тузилишига келсак, энг аввало симметрик шакл чизилади. кейин майда квадрат катакчалардан бир-бирини энига, бўйига кесиб ўтган шакл тузилади. (Шаклнинг оригинал бўлишини унутмаслик зарур).

Шундан сўнг уларнинг ҳар бирига катаги нечта бўлса шунча ҳарфли сўз жойланади, бу сўзлар кесишган катакларда бир ҳарф кесишиб ўтади. Катаклар юқоридан тартиб билан номерлаб чиқилади. Топилган сўзлар ҳам тўғри изоҳланиши зарур, шунингдек танланган сўзлар имло жиҳатидан тўғри бўлиши керак. Биргина ҳарфнинг нотўғри ишлатилиши бутун бир кроссвордни чиппакка чиқариб, уни ечаётган кишининг фикрини чалкаштириб юборади. Бундай ҳолга дуч келмаслик учун ишлатилмоқчи бўлган сўзларнинг тўғри ёзилишини луғатлар билан солиштириш лозим.

Мисол учун диққатингизга оддий кичик кроссвордни ҳавола этамиз. **Бўйига.** 1. Совет космонавти. 2. Иттифоқимиз д а г и орол. 3. Венгерлар фахри бўлган шифобахш кўл. 3. М. Ашрафий операси. 6. Йиртқич ҳайвон. 7. Рақам.

Энига. 5. От тури. 8. Шифобахш ўсимлик. 9. Номаълум автор. 10. Тожикистон ССРдаги шаҳар.

Шаклга эътибор берган бўлсангиз, сўзларнинг кесишган ҳарфлари қорароқ рангда кўрсатилган. Умуман каттароқ кроссвордлар ҳам энига, ҳам бўйига катакларао кесишган ҳолда боғланган бўлиб, сўзлари ҳам худди шу тарзда кесишиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, кроссвордга қизиқувчилар газета ва журналларда босилаётган кроссворднинг шаклини, ечимини, изоҳини ўқиб, ўрганиб боришлари ва кўп машқ қилишлари керак.

Кўп ҳолларда кроссчайнворд, чайнкроссвордлар учраб туради. Улар чайнворд ва кроссворд қўшилмасидан ҳосил қилинади. Чайнкроссворд сўзлари чайнворд талабига кўра занжир ҳосил қилиб, яъни боғланиб боради ва ўз навбатида кроссворддек кесишади. Кроссчайнвордда эса бутунлай бошқа, чунки биринчи даражада кроссворд талабига кўра иш юритилади. Катакка қўйилган сўз биринчи номердан иккинчи номерга ўтиб боғланаётганда албатта бир марта кесишиб ўтиши ва сўнгра чайнворддек боғланиб бориши лозим.

Кроссворднинг яна бир хили циклокроссворддир. Бунда кўрсатилган стрелка йўналишида ҳарфлар катакларга доира ҳосил қилиб жойлаштирилади.

Анвар МИРЗАЕВ.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳ. АҲМЕДОВ: Шаҳримизда темир йўлда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлайдиган билим юрти борми? Бор бўлса ана шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи қошида 155-ўрта ҳунар-техника билим юрти ташкил этилган. Ана шу ерда машинист ёрдамчилари, тепловозларнинг механик қисмларини ремонт қиладиган слесарлар. тепловозларнинг электр қисмларини ремонтдан чиқарадиган слесарлар, совутиш жиҳозлари ремонти бўйича слесарлар, узоқ йўлларга қатнайдиган пассажир вагонларида ишлайдиган проводниклар тайёрланади. Ушбу билим юрти Червяков кўчасидаги 12-уйда жойлашган. Автобусларнинг «Фоминко кўчаси» бекатида тушилади.

∴ ∴ ∴

Б. МИРҲАБИБОВ: Талаб қилиб олиш шарти билан юборилган корреспонденция л а р алоқа бўлимларида қанча муддатгача сақланади? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Жавоб: Талаб қилиб олиш шарти билан почта орқали юборилган корреспонденция л а р алоқа корхоналарида бир ойгача сақлаб турилади. Айрим ҳолларда, яъни юборилган хат эгаси отпуска ёки командировкада бўлса, бундай корреспонденцияларни сақлаш муддати икки ойгача чўзилиши мумкин.

∴ ∴ ∴

Ш. МАНСУРОВ: Айтингчи, ишчи ёки хизматчига берилган интизомий жазо чораси қанча муддат ўтгандан сўнг ходимдан олиб ташланади?

Жавоб: Жазо чораси берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ходим қайтадан қоидани бузмаса ва унга ана шу давр ичида бошқа жазо берилмаган бўлса, унинг аввалги жазоси ўз-ўзидан олиб ташланади. Агар ходим ўзини ижобий томондан ҳар томонлама кўрсатса, маъмуриятнинг кўрсатмасига биноан у олган жазо чораси кўрсатиб ўтилган бир йиллик муддатгача ҳам олиб ташланиши мумкин.

∴ ∴ ∴

О. АББОСОВ, Ш. ОКИЛОВ ва бошқалар: Айтингчи, ота-онаси турли миллат вакилларидан туғилган фарзандларнинг миллатини аниқлашда қандай тартиб-қоидага риоя этилади?

Жавоб: СССРда паспорт системаси тўғрисидаги Низомнинг 3-бандига мувофиқ паспортга миллат тўғрисидаги ёзувлар ота-оналарнинг миллатига мувофиқ равишда ёзилади. Агар ота-оналар турли миллатдан бўлишса, бундай ҳолларда биринчи марта паспорт берилаётган пайтда паспорт олувчининг хоҳишини эътиборга олиб унинг отаси ёки онасининг миллати ёзиб қўйилади. Кейинчалик эса ёзиб қўйилган бу миллатни ўзгартирилмайди.

∴ ∴ ∴

К. РАҲИМБЕРДИЕВ: Эшитишимча газета ва журналларда босилган ҳар хил материалларни юборадиган бюро бор экан. Ана шу бюро қаерда жойлашган?

Жавоб: Тошкент «Сервис» фирмасининг газета-журнал ахбороти бўлимида Сиз қурилиш, энергетика, транспорт, савдо, адабиёт, санъат ва шунга ўхшаш ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича материалларга буюртма беришингиз мумкин. Бунинг учун Сиз шаҳримизнинг Ленин кўчасидаги 75-уйга мурожаат қилишингиз керак.

ХАНДАЛАР

ХАВФСИЗ БЎРИЛАР

Жаноби Дюпон дўстларига:

— Боғда сайр қилиб юрсам, бирдан рўпарамда учта бўри турибди-да, —деди.

— Нима бўлди кейин,— шошилиб сўради дўстларидан бири.

— Нима бўларди, мен уларга тикилиб туриб, бир ҳуштак чалдим-да йўлимда давом этавердим.

— Ия, орқангиздан югуришмадими?

— Йўқ, чунки улар ҳайвонот боғида, сим тўрнинг орқасида эдилар.

ОЛИВ ВА МАРИУС

Икки дўст Олив ва Мариус хиёбонда сайр қилиб юришарди. Олив дўстидан:

— Мариус юз йил сен учун нима? — деб сўради.

— Э, дўстим, юз йил мен учун бир минут.

—А? Унда юз франкчи?

— Юз франк мен учун бир тийин.

— Бўлмаса менга бир тийин бериб тур?

— Жоним, билан, фақат бир минут кутиб турасан-да...

ИККИ ОЛМА

Кунлардан бир кун боғбон бир ёш болага иккита олма бериб, уни олимга олиб бориб беришини айтди. Йўлда бола. олим билиб ўтирибдими, деб олманинг биттасини еб қўйди. Бироқ олим унга иккита олма олиб келишларини биларди.

— Вой баднафсей, нега битта олиб келдинг? Иккинчисини еб қўйдингми, уни қандай қилиб единг?—деди.

— Қандай бўларди, мана бундай,—деб бола иккинчи олмани ҳам еб қўйибди.

Французчадан
Н. ЮСУПОВА
таржимаси.

Табиат мўъжизалари

МУШТАРАК САБЗАВОТ

Шотландиялик бир гуруҳ олим-соҳибкорлар мўъжиза яратиб, барчанинг нигоҳини банд этдилар. Улар карам билан шолғомнинг муштарак навини ўстиришга муяссар бўлишди. Мазкур карам-шолғом фақатгина ўзининг тўйимлилиги билан эмас. балки ҳар қандай қишлоқ хўжалик зараркунандаларига нисбатан бардошлиги билан ажралиб туради.

КУБИК ШАКЛИДАГИ ШАФТОЛИ

Америка олимлари табиатга «ҳазил» қилдилар: улар кубик ҳолида мева берадиган шафтоли навларини ихтиро этишди.

Илмий-техника революциясининг омилкор маҳсули бўлмиш машиналар кубик кўринишдаги шафтолиларни ўта «чаққонлик» билан териб, қутиларга расамади билан тахлайди.

Д. ХУЖАЕВА.

— Мана шу йигит уйланди-ю, бўйнига тузлиқ тушди.

—Эҳ, ойиси, ўғлинг қаёққа кетганини сен билмасанг, мен билмасам, ким билади.

— Парво қилманг, дадаси, қаерда бўлса ҳам уйига келади.

Яшанг ўғлим, уста рассом бўладиганга ўхшайсиз.

Е. Одилов расмлари.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

1 МАРТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Кундузги поезд». Телевизион бадиий фильм. 11.15 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Кинопрограмма. «Днепропетровск: система самараси» («Киевнаучфильм»). «Такси ҳайдовчилар» (Минск). 16.10 «Оналар мактаби». 16.40 С. Рахманинов. «Симфоник рақслар». Новосибирск симфоник оркестри ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.15 «Объектив». 17.45 «Салют, пионерия!» Рига Пионерлар саройи болалар бадиий коллективларининг чиқиши.

18.30 «Фан оламида». 19.00 Яхмалакда мотоцикл бўйича жаҳон пойгаси. Финал. Калинин шаҳридан олиб кўрсатилади. 19.30 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга». Бровар порошокли металлургия заводининг металлни тежаш соҳасидаги иш тажрибаси. Кўрсатувда Украина ССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. И. Трефилов иштирок этади. 20.00 Вс. Вишневский. «Ҳаётбахш ўлим». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳаётбахш ўлим». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати АСК — «Динамо» (Москва). 3-давр. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба, 1 март куни Марказий телевидениенинг II Умумиттифоқ программасида кўрсатувлар намойиш этилмайди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 География. Жанубий иқтисодий район хўжалиги. 12.00 «Сен хизмат қилаётган ишлар». Ҳужжатли фильм. 12.30 География. Жанубий иқтисодий район хўжалиги (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 18.40 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.10 «Задарёликлар тажрибаси — ҳаммага». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Дўстлик» татар халқ ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Бўёқлардаги шеърият». Ҳинд рассоми Амина Ахуджи. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Турнахон». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун фильм. «Солдатча». 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.50 «Зомин қўриқхонаси». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «30 ёшга тўладиган кун». Бадиий фильм.

2 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Вс. Вишневский. «Ҳаётбахш ўлим». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 12.00 Литва ССР Давлат консерваторияси «Сутартине» халқ чолғу ансамблининг концерти. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар.

15.20 «Ягона оилада». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Жолдибек ота» (Олмаота), «Ота уйининг остонаси» (Киев). 15.55 «Рус тили». 16.25 «Қувноқ стартлар». 17.10 «Пьесалар — манзаралар». Саратовдан олиб кўрсатилади. 17.30 «Ёшлар адреслари».

18.30 «Стадион ҳамма учун». 19.00 «Ғалати ҳайвон». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Киевдаги «Киевлянка» трикотаж фабрикасининг хом ашёни тежаш тажрибаси ҳақида. 19.50 «Оилавий даврада» туркумидан. «Учинчиси ортиқчалик қилмайди». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.40 «Композитор С. Туликов». Фильм-концерт премьераси. 21.30 «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. П. Вирский номли УССР Давлат хизмат кўрсатган рақс ансамблининг концерти. 23.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Барча жонзод». Илмий-оммабоп фильм («Центрнаучфильм»). 9.35 ва 13.10 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун. 10.05 ва 12.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун 10.30 ва 11.35 Физика. 10-синф. Еруғликнинг тўлқинли ва квант хоссалари. 11.05 Уйғониш даврининг санъати. 1-кўрсатув. 12.40 ва 13.40 Физика 8-синф. Реактив ҳаракат 14.10 Ю. Олеша ижоди. Ўқитувчи экрани: 14.55 Табиатшунослик. 2 синф. Шаҳар ва қишлоқда кишки меҳнат. 15.15 Зоология. 7-синф. Паррандачилик. 15.40 Т. Драйзер. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Металлни тежанг». Илмий-оммабоп фильм («Центрнаучфильм»). 18.55 «Тирилиш» Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Бокс бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Таллиндан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Салом, Тундра». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск). 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — МАСК. 2 ва 3-даврлар. Киевдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Спорт, спорт, спорт». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 12.30 Адабиёт. Зулфия — гўзал ҳаётимиз куйчиси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Оловжон». Мультфильм. 18.15 Болалар учун концерт 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Илмий-техника революцияси ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш». 19.10 «Экиш мавсумига ҳамма нарса шайми?». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Олмахон куйлаганда». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва «Время». 22.05 «Театр ва замон». Кўрсатув Ўзбекистон театр жамиятининг VI съездига бағишланади. 23.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. Финал. «Университет» (Тошкент) — «НКИ» (Николаев). Репортаж (ёзиб олинган). 23.40 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ечилган сир». Телефильм. 18.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.30 «Бир актёр театри». М. Иброҳимов. «Қасос». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Узайтирилган кун группалари ишида мактаб кутубхонасининг роли» (рус.). 20.40 «Гўзаллик оламида». Телефильм. 21.00 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Гражданлик ҳуқуқи. 21.30 МТ II.

3 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Тирилиш». Бадиий фильм. 1-серия. 11.15 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. 11.50 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон Ерда». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Хотирамда бир соат». (Минск). «Ердаги изларинг» (Кишинёв). 16.10 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 16.40 «Давр ва ўзим ҳақимда». Шоир А. А. Сурков ҳаёти ва ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 17.40 Ёқутистон АССР бадиий коллективларининг чиқиши.

18.10 «Горичилар, қаердасиз!». 18.55 Ф. Листнинг фортепьяно асарлари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Республикамнинг бир куни». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 19.40 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Чорак финал. «Динамо» (Киев) — «Астон-Вилла» (Англия). Симферополдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Муҳим иш». Илмий-оммабоп фильм («Леннаучфильм»). 9.35 ва 13.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.05 ва 12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 ва 11.35 География. 7-синф. Ғарбий Сибирнинг табиий комплекслари. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Ахлоқ ва турмуш эстетикаси. 12.40 ва 13.40 Умумий биология. 9-синф. Ҳайвонот оламининг ривожланиши. 14.10 Л. Н. Толстой. «Тирик мурда». 14.55 Сенинг ленинча кутубхонанг. «Оз бўлсину, соз бўлсин». Ўқитувчи экрани: 15.25 М. А. Шолохов. «Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ». 6-синф. 15.55 География. 6-синф Шимолий Европа. Фенноскандия. 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Тирилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Спорт ҳафталиги. 21.15 «Ҳаёт жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Москвичка» телевизион клуби.

Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. Еруғликнинг квант хоссаси. 12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий). 12.30 Физика. Еруғликнинг квант хоссаси (рус.). 15.25 Кўрсатувлар программаси. 15.30 Футбол бўйича XII Халқаро ўсмирлар турнирининг тантанали очилиши. СССР—1 — Польша. «Старт» стадионидан олиб кўрсатилади. 17.30 Болалар учун фильмлар.

18.00 «Тенгдошларинг ижоди». 18.30 «Амударё қайққа оқмоқда». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 18.50 «Бир актёр театри». Т. Мақсудов. «Муножат». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Музика истиқболи эгалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақс гулшанида». Маъмура Эргашева. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги 12.10 Ў. Умарбеков. «Шошма, қуёш!». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда СССР халқ артисти С. Эшонтўраева. 00.10 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Ўқитувчи экрани 18.40 «Қўғирчоқ театрлари фестивали». Телефильм. 18.50 Абитуриентлар учун. Математика. 19.50 «Чимбулоқ». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Гражданлик ҳуқуқи (рус.). 20.50 «Уста». Телефильм. 21.00 «Она шаҳрим — Тошкентим» 21.30 МТ II.

4 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Айиқча Рим-Цим-Ци». Мультфильм. 10.00 «Тирилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 11.45 «Горничилар, қаердасиз!». 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Подмосковье беш йиллик маршида». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 Балиқчилар оркестрининг концерти. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 16.45 Шахмат мактаби. «Оқ рух». 17.15 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув

18.00 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». Москва корхоналарининг пропагандистлари билан учрашув. Кўрсатувда академик Д. М. Гвишиани, СССР асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрининг ўринбосари К. Б. Арутюнов иштирок этади. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Воронеж области қўшиқларини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 20.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. Чорак финал. «Легия» (Польша) — «Динамо» (Тбилиси). Польшадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Санъат усталари. «Марецкая ҳақида нималарни биласиз!», Фильм-концерт. 22.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 «Бахтли оила». Телевизион ҳужжатли фильм (Боку). 9.35 Оналар мактаби. 10.05 ва 12.05 Испан тили. 10.35 ва 11.35 Физика 6-синф. Архимед кучи. 11.05 Уйғониш даврининг санъати. 2-кўрсатув. 12.40 ва 13.45 Физика. 9-синф. Ярим ўтказгичларни қўлланиш. 13.10 «Мен сизни учратдим». Телевизион ҳужжатли фильм (Горький шаҳри). 14.10 А. Салинскийнинг «Барабанчи қиз», «Мария» пьесалари. 15.00 «Мен терговчиман». Бадиий фильм (субтитр билан). 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар 18.45 «Халқаро панорама». 19.15 «РСФСР халқ артисти Г. Васильев куйлайди. Фильм-концерт. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 21.10 «Экспедиция». Илмий-оммабоп фильм. («Центрнаучфильм»). 21.30 «Время». 22.05 Чет эл фильмлари экрани. «Макс Ниндер компанияси». Бадиий фильм (Франция).

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Жамиятшунослик. Ҳозирги даврда СССРнинг иқтисодий-социал ривожланишининг асосий йўналишлари (рус.). 12.00 «Олов дарёси кишилари». Телефильм. 12.30 Жамиятшунослик. Ҳозирги даврда СССРнинг иқтисодий-социал ривожланишининг асосий йўналишлари. 13.00 «Юмбовари». Й. Оҳунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли (такрорий).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Эчки ҳақида», «Қувноқ карусель». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.00 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». Қўқон тикувчилик фабрикаси. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Серенада», «ШНО». Қисқа метражли бадиий фильмлар. (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Третьяков галереясининг дурдоналари Тошкентда». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.40 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Ай-Петри. Эртанги кун об-ҳавоси». Телефильм. 18.30 Реклама. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.50 «Ўзбекистон ғалласи». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар 20.20 «Мария». «Қизил дуррачалар», «Ўзингга содиқ бўл». Совет хотин-қизлари туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар. 21.30 МТ II.

5 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Гўзал Василиса». Бадиий фильм. 11.10 А. Дворжак. Виолончель ва оркестр ижроси учун си минор концерти. 11.55 Р. Гамзатов. «Оналарни эъзозланг». Поэма. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «Балли, аёллар» (Белорусьфильм), «Бизнинг онамиз» (Душанба), «Баҳор кунларидан бирида» (Свердловск), «Парашют билан олинган портрет» (Вильнюс), «Жилонинг туғилиши» (Оржоникидзе шаҳри). 16.25 «Подмосковье учрашувлари». 16.55 «Ўсмирлар ижоди». 17.25 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади.

18.10 Экранда — кинокомедия. «Қизлар». Бадиий фильм. 19.40 «Дунё воқеалари». 19.55 ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ — 8 МАРТГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». Кўрсатув тугагач — СССР Халқларининг V қишки спартакиадасида.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Бир бош узум». Телевизион ҳужжатли фильм (Оржоникидзе шаҳри, Грозний). 9.35 ва 13.10 «Ҳаёт формуласи». СССР халқ ўқитувчиси Ж.Утуров ҳақида телевизион очерк. 10.05 ва 12.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 География. 8-синф. Ғарбий Сибирь районн. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Электр ва магнит майдонларида зарядланган заррачалар ҳаракати. 12.40 ва 13.40 География. 5-синф. Атмосфера. 14,10 «Гиляй амакининг ҳаёти ва китоблари». В. А. Гиляровский ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.05 «Кумуш сув». Илмий-оммабоп фильм (Киев илмий-оммабоп фильмлар студияси). 15.15 Ўқитувчи экрани. Жамиятшунослик. 10-синф. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ҳозирги босқичда партиянинг иқтисодий сиёсати. 15.45 С. Гудзенко поэзияси. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 И. Штраус. Вальслар. Кўрсатув тугагач — «Время». 22.05 «Оловга таъзим эт». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Биология. Эволюциянинг асосий йўналишлари (рус). 12.00 «Қишлоқ келинлари». Телефильм. 12.30 Биология. Эволюциянинг асосий йўналишлари. 13.00 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. I-лига. Финал. «Университет» (Тошкент) — «Красний котельшик» (Таганрог). Репортаж (ёзиб олинган).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қўрқмас чигиртка». «Кулфат». Мультфильмлар. 18.30 Ўзбекистон комсомолининг XXII съезди олдидан. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Уч учрашув» Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.25 «Ахборот». (рус, ўзб.). 19.55 Москва ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ — 8 МАРТГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув. 23.40 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Халқ ҳунармандлари». «Ҳаёт жилолари» телефильмлар. 18.50 Абитуриентлар учун. Физика. 19.50 «Чопак». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Абитуриентлар учун. Она тили. 20.50 «Уссурий қўриқхонаси». Телефильм. 21.00 «Шаҳримиз озода ва кўркам бўлсин» (рус.). 21.30 МТ II.

6 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Моҳир қўллар». 10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.40 «Спортлото»нинг 10-тиражи. 10.45 «Советлар ва ҳаёт». Кўрсатувда Белоруссия ССР Олий Советн Президиумининг Раиси Е. Поляков иштирок этади. 11.15 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 12.45 «Сиз бунга қодирсиз». Ихтирочилар конкурси. 13.30 «Ҳайвонот оламида». 14.30 «Дунё воқеалари». 14.45 Болалар учун фильм. «Истеъдод». 16.15 «Илк қадамлардан бошлаб». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск). 17.15 Мультфильмлар программаси: «Бизнинг саҳий устамиз». «Рус оҳанглари». 17.45 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.

18.15 СССР халқ артисти Е. Образцова концерти. 19.15 «Бирдан бир эркак». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 00.15 Янгиликлар

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг» (Физкультурачиларга маслаҳатлар). 9.25 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «Бу оддий севги эмас» (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси) «Умид» (Тошкент), «9-пейзаж» (Таллин). 10.10 «Тонгги почта» музикали программаси. 10.40 «Оловга таъзим эт». Бадиий фильм. 12.05 «Опера билан учрашув». А. Вивальди. «Шиддатли Орландо». Верона шаҳар опера театрининг спектакли (Италия). 14.35 «Беҳаловат лавозим». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск). 14.50 «Нима? Қаерда? Қачон? Телевизион викторина. 16.10 «Гувоҳлар ва ҳужжатлар қоралайди». Сальвадор хунтасининг жиноятлари ва АҚШнинг Сальвадор ишларига аралашуви ҳақида.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

16.45 «Абдилас Молдибоев номли қирғиз опера ва балет театри». 17.45 «Қирғиз халқ куйлари».

18.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.15 «Халқаро обзор». 19.30 «Музикали киоск». 20.00 «Эрмитаж». 19-фильм. Франциянинг амалий санъати. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.30 «Время». 22.05 «Евдокия». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 11.30 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». 11.50 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 12.20 Надежда». Бадиий фильм. 13.55 Шахмат мактаби. 14.25 Л. Прокофьев. «Гувоҳларсиз суҳбат». Телеспектакль премьераси(рус). 15.45 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 18.40 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.10 «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Баҳс». Ёшлар учун аҳлоқ-этика мавзуида кўрсатув. 20.50 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время».

22.05 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 Янгиликлар.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан». 18.35 Экран — болаларга. 19.00 Янгиликлар. 19.20 «Табиат ва биз». 19.50 «Қизилқумда баҳор». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Баҳория». Баҳор ҳақида шеърлар. 20.30 «Ахбор». 20.55 Концерт. 21.30 МТ II.

7 МАРТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 «Будильник». 10.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.05 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 11.50 «Тонгги почта» музикали программа. 12.20 «Қишлоқ янгиликлари». 13.20 «Музикали киоск». 13.50 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Тантанали очилиш. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 14.35 М. Гараева. «Бека». Леся Украинка номли Киев Давлат академик рус драма театрининг фильм-спектакли. 16.45 Мультфильмлар программаси. 17.10 «Сизни оперетта таклиф этади». Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади.

18.35 «Халқаро панорама». 19.20 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Учувчида менинг хаёлим». Бадиий фильм. 20.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 «Время». 22.05 Театр учрашувлари. 23.50 Ёпиқ биноларда енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Италиядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (00.20) — Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «Биринчи кун, охирги кун». Телевизион бадиий фильм. 10.30 «Сорочин ярмаркаси». Телевизион ҳужжатли фильм. (Киев). 11.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.00 «Бу хаёлий олам». Мактаб ўқувчилари учун адабий викторина. 3-кўрсатув. 13.15 «Ёш келинкуёвлар» телевизион клуби. 14.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». Шарҳ. 15.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 15.45 «9-студия телетомошабинларга жавоб беради». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин иштирок этади. 16.45 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Г. Марковнинг шу номли романи асосида. 4-серия.

СПОРТ ПРОГРАММАСИ. 17.50 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 18.35 Ёпиқ биноларда енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Италиядан олиб кўрсатилади. 19.05 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 9-фильм. 1925 йил. 20.00 «Эрмитаж». 20-фильм. XIX аср Франция санъати. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Хатларингиз асосида...» Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Цветной бульвардаги Москва циркида аттракцион. Программани А. Пугачёва, И. Кио. С. Мишулин олиб борадилар (1982 йил 2 январдаги кўрсатув такрорланади).

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Самарқанд область болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 11.55 «Саккизоёқ». Мультфильм. 12.05 «Қувноқ стартлар». 13.05 «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 14.20 «Ўзбекистон спорти». 14.50 «Кинопублицист экрани». Кўрсатув Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланади.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Олтин элак». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Фонарик». (рус). 18.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. Кўрсатув Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланади. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Аҳмедова рақсга тушади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 Янгиликлар.

Қирғизистон телевидениесининг программалари

16.15 Кўрсатувлар программаси. 16.20 «Сеними, шошмайтур!». Мультфильмлар. 17.20 «Санъат ҳақида қисса». Ҳужжатли фильм. 18.20 «Эртага — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март». 18.50 Бадиий ҳаваскорлар концерти. 19.40 Сатира ва юмор кечаси. 21.00 «Дўстлик кубоги». Оғир атлетика бўйича Халқаро турнир. 21.30 МТ II.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Қиёмат қарз,** 28/II да **Ун учинчи раис**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Гулсара,** (15.30, 19.30), 28/II да **Дилафрўзга тўрт ошиқ** (15.30) **Кулги кечаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Отасининг қизи,** 28/II да **Баланд дорга осилма** (12.00, 15.00).

КИНО

27 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНЖЕНЕР ШУХОВ» — **Искра.**
«ҚИЗИЛ ДАФТАР» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» —

К. Ерматов номли (17, 19, 21.00.) **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.30).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Искра** (17, 20.00).

28 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНЖЕНЕР ШУХОВ» — **Искра.**
«ҚИЗИЛ ДАФТАР» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — **К. Ерматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12.15), 18, 20.30).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Искра** (17, 20.00).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон театр жамияти, Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театри

4 МАРТ СОАТ 19.00 ДА
ҲАМЗА ТЕАТРИНИНГ БИНОСИДА

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотлари ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

Сора ЭШОНТЎРАЕВА

туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган

ТАНТАНАЛИ КЕЧА
ЎТКАЗАДИЛАР

Кириш таклифномалар бўйича.

Тожикистон ССР Маданият министрлиги
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 ФЕВРАЛЬ, 1, 2, МАРТ СОАТ 19.00 ДА

СССР ташкил топган кунининг 60 йиллиги олдидан
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ЛЕНИНОБОД МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ТОЖИКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

Жўрабек НАБИЕВ

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Зулфия АСАНОВА, Рауф АЗАМАТОВ.

Солистлар: Каромат ҲОЖИЕВ, Аҳмаджон ОЧИЛБОЕВ, Раҳмон ҲАСАНОВ, Асрор КАМОЛИДДИНОВ, Фируза АЮБЖОНОВА, Гуландом АЮБЖОНОВА, Норинисо ХОЛШАЙХОВА, Нина ЛАБУТИНА, Ольга СОШНИК, Гавҳар ЙЎЛДОШЕВА, Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА.

ТОЖИК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ҳожибой АЛИМАТОВ.

Программани ҳажвий қўшиқлар ижрочиси Абдураҳмон НЕЪМАТОВ **олиб боради.**

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

«ЁШЛИК» ЖУРНАЛИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ, ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ «ЁШЛИК» ЖУРНАЛИГА

1982 ЙИЛ УЧУН

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖУРНАЛНИНГ ИНДЕКСИ — **75241.**
БАҲОСИ — 50 тийин.
ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

28 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» программаси

9.00 «Время». 9.40 М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг чиқиши. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан», 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 В. Гусев. «Иван Рибаков». СССР Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 16.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.35 Улуғ Ватан уруши йиллари қўшиқлари мавзуига ёзилган фантазия. 17.45 «Футбол шарҳи». 18.15 «Романснинг ҳаяжонли садолари». Фильм-концерт премьераси. 19.30 «Халқаро панорама» 20.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. 3-давр. 21.30 «Время». 22.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. 3-давр. 22.45 Спорт программаси. Яхмалакда мотоцикл пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. Финал. 23.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати Трамплиндан сакраш. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар!». ГДРдан олиб кўрсатилади. 10.20 «Ҳайвонот оламида». 11.20 «Одамларга зарур бўлиш керак. Кабалевский бугун». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 12.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Гўзал Василиса» Бадиий фильм. 13.45 Мультфильм. 14.00 «Бу хаёлий олам». Мактаб ўқувчилари учун адабий викторина. 2-кўрсатув. 14.55 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». Шарҳ. 15.25 Талабларингизга биноан учрашувлар. Котлас целлюлоза қоғоз комбинати меҳнаткашларининг саволларига жавоблар. 16.25 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Г. Марковнинг шу номли романи асосида 3-серия. 17.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 8-синф. 1924 йил 18.30 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 10-гвардиячи армия ветеранларининг учрашуви. 20.00 «Эрмитаж». 18-фильм. XVIII аср иккинчи ярми. Франция санъати. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 СССР халқ артисти Г. Ковалёва концерти. 21.15 «Сафга тур». Телевизион ҳужжатли фильм. (Душанба). 21.30 «Время». 22.05 «Кундузги поезд». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ҳайр, каптарлар!». Бадиий фильм. 11.45 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 12.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.15 «Оналар мактаби». 13.45 Спорт программаси: 1. Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Динамо» (Минск). 2 ва 3-даврлар. «Юбилейний» спорт саройидан репортаж (ёзиб олинган). 2. «Дераза остидаги стадион» (рус.). 15.15 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Оқ автомобиль». 18.30 Болалар учун «Бойчечак». 19.00 Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб. «XX аср француз рассомлари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюлар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ёш овозлар». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время».

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективи ишлаб чиқариш техника бўлимининг катта инженери С. Нажимхўжаевага отаси

Нуриддин ТОЖИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63.66: саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32.57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54.19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32.56.81: ахборот—33-28.95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32: хатлар — 33.29.70: эълонлар бўлими — 33-81.42; нашриёт диспетчери 32.78-94: нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90.50.

27 ФЕВРАЛЬ, 1982 й. Р —07097. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри В-2524. Индекс 64691. 7 8 Р— 07092.